

Ўзига кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликни амалда кўрган давлат хизматчиси халққа ҳам худди шундай хизмат кўрсатади



Унда туман ҳокимлигида фаолият юритаётган 32 нафар ходимлар турли йўналишда саломатликларини назоратдан ўтказиб, барча зарурий тиббий асбоб-ускуналар, замонавий лаборатор-диагностик аппаратлар ёрдамида текширувдан ўтишди.

Жараёнларда касалликлари аниқланган ходимларнинг саломатликларини тиклашлари учун керакли тавсия ва муолажалар амалга оширилди.

Муҳими, давлат хизматида ишлаётган, ўз саломатликларига қайғуриш учун вақт топа олмаётган ходимлар ушбу имкониятдан мамнун бўлишмоқда.